



Сессия

РАҚАМЛАРГА ЖО НИЯТЛАР

Иккинчи чақириқ Бешинчи сессиянинг кун тартибига қўйилган масалалар эълон қилинганига бир ой бўлди. Ҳар сафардагидек катта кичик, турли соҳа эгалари Олий Мажлис анжуманига катта умид билан қараяпти, у ҳақдаги ахборотларни қизиқиб кузатяпти.

Сессия кун тартиби лойиҳасида 17 та масала қўйилган. Уларнинг ҳар бири ҳақида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни баён этиш мумкин. Лекин рақамларга кўз югуртирилса, уларда жуда кўп маълумотлар мужассам экани кўринади. Уларни истаганча қиёслаш, таҳлил этиш, тахмин қилиш ҳам мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йил биринчи чорағидаги ижроси якунлари тўғрисида”ги масала ҳеч бир фуқарони бефарқ қолдирмайди. Чунки Давлат бюджетидagi маблаг, жуда жўнлаштириб айтганда, мамлакат фуқаросининг ҳаллол пули. Фақат аҳолидан тўплаган жамғармани харжлаш, кўпайтириш, тежаш ва ҳоказолар, табиий, тегишли маҳкамалар орқали идора этилади.

Мазкур масала юзасидан сессия қатнашчилари учун тайёрланган ҳужжатларда ёзилишича, “Солиқ-бюджет, пул-кредит, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини мувофиқлаштирилган ҳолда олиб бориш натижасида макросиёсий барқарорлик янада мустаҳкамланди ва иқтисодий-ётиш барқарор ривожланиши асосида аҳоли фаровонлигининг сезиларли ошмишига эришилди”.

Давлат бюджет даромадлари 2000 йил учун 650,1 млрд. сўм миқдорда тасдиқланган бўлса, ҳақиқатда улар 910,9 млрд. сўмни ташкил этди. 2000 йилги бюджет даромадлари 1999 йилдагига нисбатан 46,1 фоизга ошди.

Бюджет даромадларидаги солиқ улуши 26,0 фоизни (236,5 млрд. сўм) ташкил этган бўлса, юридик шахслардан олинган солиқ 116,8 млрд. сўмни (солиқларнинг 49,4 фоизини) ташкил этди, jismoniy шахслар даромадидаги солиқ тушуми 105,0 млрд. сўмни ёки солиқларнинг 44,4 фоизини ташкил қилди. Jismoniy шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан 14,7 млрд. сўм солиқ туширилган.

Давлат бюджетидан ўтган йили ижтимоий соҳа учун 337,9 млрд. сўм, ижтимоий химоя учун 72,0 млрд. сўм, марказлаштирилган инвестициялар учун 192,8 млрд. сўм, иқтисодиётга ва бошқа харажатлар учун эса 340,2 млрд. сўм сарфланган. Кўринадик, 2000 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш харажатларининг жами бюджет харажатларидаги улуши 43,5 фоизни ёки 409,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Давлат бюджетидан маориф соҳаси учун 218,4 млрд. сўм ажратилган, бу маблаг, ҳужжатда ёзилишича, “мамлакатда маориф тизимини янада ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш имконини берди”.

Рақам кўп, жумладан: академик лицейлар ва касб-хўнар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 23,0 млрд. сўм, санатор, транспорт ва коммуникация соҳаларининг устивор ва ўта муҳим объектларини қуриш учун 14,3 млрд. сўм, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш учун 5,9 млрд. сўм йўналтирилди.

Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилишга доир қўнун лойиҳаси нақадар муҳим аҳамият касб этиши барчага кўндек равшан. “Прокуратура тўғрисида”ги янги тахрирдаги қўнун лойиҳасини айтмайсанми! Қўнунга ва фракция йиғилишларида мазкур қўнун лойиҳасидаги икки рақам хусусида гап “айланмишди”. Биринчиси, 39-моддада зикр этилишича, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва ҳокимзо-ҳокимзо прокурорлик лавозимига “Игирма беш йилдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади”.

Айрим депутатлар бу ешда одам прокурор бўлишдек масъулият юқини қўнунга қўйишга, соҳа мутахассисларнинг фикрича эса, бу ешда ҳеч қим, дейлик, Республиканинг Бош прокурори бўлмайди. Хўш, бўлмаса, 25 рақамнинг нима зарурати бор шу ўринда?.. Рақам борми, демак, ҳали иродаси этилганда, ок-қоран бўлмаган-нетмаган бола... прокурорлик курсининг эгаллаб олишга эҳтимоли ҳам йўқ эмас дегани эмасми?

Яна бир рақам. Қўнунга кўра, Республика Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига “ҳар беш йилда камидан бир марта ўз фаолияти ҳақида ҳисобот беради”. Қўнуннинг биринчи ўқилишидаги лойиҳасида ҳисобот бир марта берилиши кўрсатилган эди, энди унга “камидан” деган сўз қўшилган. Демак, Олий Мажлис томонидан талаб ва таклиф бўлса, Бош прокурор бир мартадан кўпроқ ҳам ҳисоботга ҳозирлик қўравериши мумкин.

Бир рақам ортдаги демократия ифодасини сезяпсизми, муқтарам газетчи?!

Сессияда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – оқбўдсан фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам бор. Мазкур ҳисоботнинг нақадар улкан аҳамиятга эгалигини айтиб адо этиш мушкул. Ҳисобот бўлишича рақамлардан иборат десам янгилайман. Қим қанча арзиз берган, қимларнинг устидан шикоятлар тўлиб-тошиб ётибди, оқбўдсан хизмати қандай қоралар қўрапти, уларнинг сўровига жойлардаги тўралар қандай муносабат билдиришмоқда?

Хуллас, ҳар бир рақам замирида бир дунё ҳақиқат, бир дунё мулоҳаза мужассам.

Биз депутатлар ҳалқимиз сайлаган масъул кишилар сифатида айтилган ва айтилмаган рақамларнинг барча-барчаси пировардидан жамиятимизнинг гуллаб-яшнаши, ҳалқимиз турмушининг янада фаровонлашуви, Президент муттасил такрорлаётган ва оруз қилаётган ҳуқуқий-демократик жамият барпо этилиши йўлида олға ташланган яна бир қадам бўлиб қолишини кўлайимиз.

Хуриш Дўстмуҳаммад

“ШАРҚ” ТАНЛОВГА ЧОРАЙДИ!

Мустақилликнинг шукӯхли 10 йилда мамлакатимизда улкан ўзгаришлар, янгиликлар юз берди.

Кечаянги жаранларнинг барчаси инсон қалби ва шу-рида қанчадан-қанча ҳис-туйғулар, уй-ҳавёлар, фикр-мулоҳазалар уйғотмоқда.

Жамиятда янги оғ ва дунёқараш шаклланиб қарор топмоқда, янги тафаккурли гоғлар дунёга келмоқда.

Янги даврни яратётганларнинг сай-ҳаракати, фидойилиги, тарбияси бошқаларга ўрнак бўлади. Уларни ҳаётга тийрак кўз билан қарашга, фалокат бўлишга ундайди. Шу боис ўқувчиларимиз адиблардан, шоирлардан, жумла ижодкорлардан бугунги кунимиз, бугунги ҳаётимиз қаҳрамонлари кўйфаси мукаммал яратилган бадий асарларни кутмоқда.

“Шарқ” нашриёт-матбаа ак-циядорлик компанияси Ватан мустақиллигидан шукӯхланиб, жонажон Ўзбекистонимиз одамлари ҳаётдаги ўзгаришларни ўз вақтида илғаб моддий ва маънавий неъматлар яратётган, миллий ва умуминсоний қадриятларни турмуши ва руҳиятига сингдирган истиклол даври адабий қаҳрамони тасвирланган асарларга танлов эълон қилади.


Танловга шерлар, достонлар, ҳикоялар, қиссалар, романлар, драматик ва публицистик асарлар қабул қилинади.

Компания Бош тахририяти тавсия этилган асарларни кенг адабий жамоатчилик билан муҳокама асосида истиқлолиятнинг 10 йиллиги арафасида нашр этади.

Асарлар танловга 1 июлга қадар тақдим этилиши лозим.

“Шарқ” нашриёт-матбаа ак-

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТИ



Қўлни очинг дуога аста,
Аждодларим ҳаққига омин.
Юрагимдан уздим гулдаста,
Ватан борки, яшагай номинг.

Амруллош БОЙМУРОД

Бекболов тўғрисида

Ҳамкорлик

ҚАДРДОНЛИК ЗАМИРИДАГИ ДИПЛОМАТИЯ

Дипломатия, гарчи мувозанат ва мурося санъати саналса-да, ўзига хос қатъийликни, тартиб-қоидадан яхши кўради. Бирок, ўрни келганда ҳар қандай дипломатик тартиб-қоидалар юксак инсоний фазилатларга бемалол йўл бераркан. Зеро, биргина самимий қадрдонлик муносабатлари сиёсат об-ҳавосини ўзгартириб юборишга қодирдир. Президентимиз Илгон Каримовнинг Россияга илгон иккинчи давлат ташрифи бунга чиройли мисол бўла олади.

“Россия дипломатияси амалиётда илгари бундай воқеа юз бермаган: сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Президентининг Москва ва Буюк Новгород иккинчи ташрифида давлат мақоми берилди”, — деб ёзади Г.Алимов “Известия” газетасида. — Албатта, бунда расмий протокол бўлмаган аниқ, Бирок, 3 май оқшамидан Илгон Каримов “Внуково-2” ҳуқумат аэропортида давлат ташрифига оид барча расмий тартиб-қоидалар риоя қилинган ҳолда кутиб олинди...

Ўзбекистон раҳбари учун айнан шундай эҳтиром кўрсатилди. Кремль илк бор мисли қўрилмаган дўстона қадам қўйди ва бунини шунчаки эмас, онгли тарафда қилди”.

Газетада ёзилишича, Россия Ташқи ишлар вазирлигида Илгон Каримовнинг

давлат ташрифи борасида протоколдан чиқиб кетилганлигини куйидагича изоҳлашган: “Ҳар икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар кўлами ва микёси шундайки, биз бу борада мустанго қилишга мажбур бўлидик”.

Бинобарин, истисно этишга мажбур қиладиган даражадаги “МУНОСАБАТЛАР КўЛАМИ ВА МИКёСИ” бемисл инсоний фазилатдан, ҚАДРДОНЛИКдан далолат беради. Юртбошимиз учун кўрсатилган юксак эҳтиром ҳалқимизга билдирилган бекиёб ҳурмат-ишончинг рамзи эканлигиндан қувонмай бўладими ахир?!

Россия Президентининг Москва ва Буюк Новгород иккинчи ташрифида давлат мақоми берилди”, — деб ёзади Г.Алимов “Известия” газетасида. — Албатта, бунда расмий протокол бўлмаган аниқ, Бирок, 3 май оқшамидан Илгон Каримов “Внуково-2” ҳуқумат аэропортида давлат ташрифига оид барча расмий тартиб-қоидалар риоя қилинган ҳолда кутиб олинди...

тузишни таклиф этди.

Мулоқот чоғида табиийки, Марказий Осиёдаги ҳавфсизлик масалаларига катта эътибор қаратилди. Кези келганда эътироф этиш лозимки, Россия минтақа ҳавфсизлигини манфаатдордир. Таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиё Россия учун диний экстремизмнинг ўз хурудига кириб келишига тўсиқ бўлиб турган ўзига хос қалъадир. Қалъа истеҳкомининг нақадар мустаҳкамлиги ўз навбатида Россиянинг беғараз кўмағига ҳам боғлиқдир.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида томонлар асосан ҳарбий-техникавий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилди. Музокаралар ниҳоятда ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди, Илгон Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўйма баёноти ҳамда Чегара масалалари бўйича ҳарбий-техникавий шартномага имзо қилди.

1999 йилнинг декабрида икки давлат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳам томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги қабул қилинган шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш ҳақидаги протокол имзоланди.

Манбаларга кўра шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳуқуматлараро комиссия, ўзаро савдода билвосита солиқ олиш тамойиллари, контрабанда ва божхона қўнунбузарлигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб-қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгилаштириш ва соддалаштириш, маданий соҳада 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Кремлдаги тадбирлар охирида, мамлакатимиз раҳбари Россия ҳуқумат уйига ташриф буюриб, ҳуқумат раиси Михаил Касьянов билан ўчрашди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш суҳбатининг асосий мавзуси бўлди.

Президентимизнинг Михаил Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг илмий кенгаши вакиллари билан ўчрашувида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қўйма тадқиқотларни кўпайтириш хусусида сўз борди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ўзининг Шимолдаги стратегик ҳамкори билан ҳар томонлама алоқаларни яна бир поғона юқорига кўтарди. Табиийки, бунга ҳар икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро самимий муносабати ва қадрдонлиги кўл қолди.

Ф.КОМРОН

Ҳафта воқеалари

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Илгон Каримов-
нинг Россия Федерациясига
ташрифи самарали якунланди.

Ўзбекистон терма жамоаси
футбол бўйича Жаҳон чемпио-
натининг саралаш ўйинларида
кейинги босқичга чиқди!!!

“Баркамол авлод” спорт ўйинлари
муваффақиятли ниҳоясига етди.

Муҳлис

ҚОЙИЛ, “ҲУРРИЯТ” — САМОЛЁТДА!

Яқинда Фарғона шахрига боришга тўғри келди. Тезроқ этиб олиш мақсадида самолётга кетишга аҳд қилдим. Самолётда кетаётган пайтда нимадир ётишмасди менга. Шу эътиёбни қондириш мақсадида стоардесса қиздан газета сўрадим. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас у ёнимга уч дона газета ташлаб кетди. Секингина уларни кўлга олдим ва шу заҳоти “офарин!” деб юборибман. Чунки қиз ташлаб кетган “Аргументы и факты” ва “Труд” газеталари билан бирга сеvimли газетам — “Хуррият”ни қўриб жуда қувониб кетгандим.

Ҳозирги кунда “Хуррият” ёр-ку, кўкда ҳам хизмат қилаётганидан, ўша жойда ҳам муҳлисларини эриктирмаётганининг гувоҳи бўлиб, қойил қолдим.

“Хуррият”! Сенинг ўз макёмингни доимо сақлаб олишинг муҳлисларингни кўпайтирди. Одамлар ишончидан, муҳлис-лар эътиборидан қўлмаслигингни тилайман.

Воҳид ҒАНИЕВ,
ЎЗМУ журналистика факультети тоғлиби

“Ўзбекистон ҳаво йўллари”
миллий авиакомпанияси барча
уруш ва меҳнат фахрийларини
Хотира ва қадрлаш куни билан
қизгин муборакбод этади.
Буюк Ватанимиз — мустақил
Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши
йўлидаги ишларингизга муваф-
фақият, ўзингизга соғлиқ, омад
ва бахт тилаймиз.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари”
миллий авиакомпанияси
жамоаси

Таклиф

ХАЙРАЛИ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

ҲҚС ҳаққоний ва холис ахборот омили бўлиши мумкин


“Хуррият”нинг ўтган сонларидан бирида эълон қилинган Амироқул Каримовнинг “Япония: жамият уйғунлиги истаси” мақоласини қизиқиб билан ўқидим. Япония хоржий матбуот маркази ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида ва ўрнида берилгани билан қўнунга қўйилди. Мутлола жараёнда манда ҳам бу борадаги таклиф ва мулоҳазалар пайдо бўлди.

Шу кунларда Ўзбекистонда хоржий радио ва телеканаллар, ахборот агентликлари кўпайиб кўпайиб борапти. Айнан шу муҳбирлар республикада руй берган воқеа-ҳодисаларни бутун дунёга та-

рқатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бирок мазкур хоржий журналистлар ҳар доим ҳам ҳаққоний ахборот бераётдилар дейиш қийин. Маълумки, апрель ойда Ўзбекистон ҳуқумати БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига республикада Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактнинг бажарилиши ҳақида баёнот берди. БМТ баёнотта хайрихолик билдирганига қарамай, айрим чет эл журналистлари томонидан “баёнот ҳақон афкор оммасини чалғитишга қаратилган” деган сохта даъволар ҳам айтилди.

Менимча, бу каби ҳолат-

ларга биринчи навбатда маҳаллий журналистларимизнинг мамлакатимизда содир бўлган ҳодисаларни дунё аҳлига ҳаққоний тарзда етказиб беришга қўйишлари сабаб бўлапти. Иккинчи жиҳатдан эса масаланинг илдила-ри Ўзбекистонда фаолият юритаётган қоридан ва қай йўсинда маълумот олишлари, яъни уларнинг ахборот манбаларига қарай тақалади. Хоржий журналистларнинг оид публикамиз ҳаётига оид тўғриватган, тарқатаётган ахборотлари асосли, ишончли ва холис эканига ҳеч қим қалолат беролмайди. Шу боис Ўзбекистонда ҳам Япониядагидек хоржий матбуот маркази (ҲҚС) ташкил этилса, чет эл журналистларининг мамлакатимиз ҳақида фақат холис ва ҳаққоний ахборот тарқатишлари таъминланган бўларди. Чунки хоржий матбуот маркази чет эл муҳбирларига энг тўғри ва асосли ахборот йиғишга кўмаклашиши билан бўлар-бўлмас миш-



Собиржон
ЁҚУБОВ,
ЎЗМУ тоғлиби

мишлар, ивгою тўхматларнинг чиқишига йўл қўймайди. Марказнинг нодавлат ташкилоти тарзида тузилиши икки ўртадаги ишонч ва ҳамкорлик уришларини мустаҳкамлаши аниқ. ҲҚС ёрдамда хоржий муҳбирлари Ўзбекистон ҳақида сохталик, бўяб-бежашлардан холи, муҳими, ҳаққоний ва холис ахборотга эга бўлишса, албатта, ёмон бўлмайди. Эътибор берган бўлсангиз, японлар ҲҚСнинг миллий ва давлат манфаатларига мос келишини жуда эрта аниқлаб ётганлар. (1976 йилдаёқ Япония ХММ ташкил этилган эди). Шунинг учун ҳам мутахассислар бу борада ўз мулоҳазаларини билдиришса, айна мудабо бўлар эди. Чунки ҳалқ мақолида айтилганидек, бу каби фойдали ва хайрли ишларнинг кечи бўлмайди.

Халоллик ҳеч қачон инсон ҳаётини
енгилаштирадиган фазилат
бўлган эмас.

Владимир ВОЙНОВИЧ, рус адиби

Бир савол — бир жавоб



10 ёш НИНГ УЎҚЛАРИ КЕНГ

Журналнинг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шoirи Барот БОЙҚОБИЛОВ билан суҳбат

чиққан, биз қаттиқ исканжага олинди, журнал Марказқўлда муҳаррирга хайфсан берилди. Иттифок таркибиде турган Ўзбекистонда миллий мустақилликни тиклаш учун кураш бормоқда эди. Бу курашни химоя қилиш, унга раҳбарлик қилиш, тобора ривожлантириш бориш, халқни келажак сари жиддий ва оғир курашга олдиртириш вазифаси турарди. Худода минг қатла шуқлар бўлсинки, Ислам Каримовдек зарбадист, шерокар инсон бу курашга бошчилик қилди. Иқтисодий, сийсий, маънавий жабхаларни қамраб олган бу шиддатли курашнинг ўзига хос шижоатли, жасур қаҳармонлари майдонга чиқа бошлади.

— **Хазрат Алишер Навоийнинг "Одами эрсанг демалг одами, Ониким, йўқ халқ гамидин гами" деган сўзлари журналга қачондан бошлаб шир қилиб олдинг?**

— Эсласангиз, бундан ўн йил олдин барча матбуот нашрларининг теласида "Бутун дунё пролетарлари, бирлашгингиз!" деган шир турарди. Матбуот нашрлари орасида биз биринчи бўлиб ана ўша маъмул мазмули ширдан воз кечиб, хазрат Навоийнинг одамийликни улуғловчи хикмати сўзларини ўзимизга шир қилиб олганмиз. Бунинг сабаби бор. "Мулукот" ёру дунёга келиши билан инсон кадр-қиймати, ор-номусини, шайини тиклашга азму қарор қилди. Фуқароларни тўқ-фаровон турмуш қуришга, инсонни инсондек яшашга даъват этди. Озодлик ва хуриятга чақирди.

— **Миллий мафкура, миллий гоя мавзулари "Мулукот"нинг илк сонларида эълон қилинган.**

— **Ўзунга кунда ана қандай долзарб мавзуларни кўтармоқчисилар?**

— Редакция бюртмасига кура файласуф олим Хайдар Пулатов ёзиб берган миллий мафкура ҳақидаги мақола 1991 йили журналимизда давомли ҳолда чоп этилган, анча машур бўлиб кетди. Ўзунга кунда ўшбу мавзуда куракка уриб сузлаётган айрим олимларимизга мурожаат қилганимизда сочи тикка бўлиб кетган...

— **Мустақиллигимиз бизга эркин фикрлашни берганига шукроналар қиламиз, чунки фикр эркин эмас экан, эркин йўлга тўсқинлар қўйилган экан, унда миллиятини, халқини эркин келажакни тасаввур қилиш кўйин. Хозир радио, телевиденини олисамиз илгарми шуро давридагидек одамларимиз**

5 ёш ТҮЙТЕПАДАН ҲТИБ КЕЛАДИГАН ГАЗЕТА

"Холис"нинг адади 25 000!

Газета бор, чекка бир туманда чоп этилиб, пойтахтда ўқилади. Газета бор, пойтахтда чиқадиган, Қаҳор домла таъбири билан айтганда, Тўйтепадан нарига ўтмайди.

Яқинда, қайсидир газетада, фарғоналик муштарийлардан бирининг "Дангал-дангал эзинг, газетанинг сотилади" деган мақола-сига кўзим тушди.

Дарҳақиқат, журналистлар юрагидан чиқариб, бино қилган ҳар қандай нашр ўқувчи қалбига, хонадонига ёниб, ёндириб кириб боради.

Дадил, дангал гапи бор газета дўконлар пештаҳтасида сарғайиб ётмайди. Балки ўқувчисини "киоск"чилар кўзига, почтачилар изига сарғайтириб, термултириб қўяди. "Холис" ҳам вилотда босилиб, Тошкентда ўқилибдими, демек уни Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Хоразм... ҳатто Нукусда ҳам қўшишди. Узун-қулоқ гапларга қараганда, "Холис"нинг хумори тутадиган муштарийлар қўшни мамлакатларда ҳам кўпайиб борапти.

Гангинг очиги, мен ўзим ҳам "Холис"нинг ишқибозиман. Йўқ, унга устозим, ёзувчи Қамчибек Кежа муҳаррирлик қилаётгани ёки турлиб ўсган юртимдан келётгани учун эмас, газетанинг ўз айтар сўзи ва ҳеч қайси нашрга ўшамаган қиёфаси борлиги учун ишлаб ўқийман. Ютуқларидан қувонаман, камчиликларидан ёнман.

Бир кун "Холис"ни варақлаб ўтурсам, хонамизга "Соғлом авлод" газетасининг бош муҳаррири Раъно Зарипова ва ёзувчи Кутуб Носирова кириб келишди. Раъно опа сўрашиб-сўрашмаёқ қўлимдаги газетани сўраб олди-да, деди:


— Янги чиқибдими? Қизикқа ўхшайди.

— Ҳа, дедим мен, — вилотда босилди. Беш ўнга тўлгати.

— Мақетини қаранг, чиroyилигини.

Раъно опа "Холис"ни бироз қузатган, ҳақ қўшиб қўйди:

— Урганса бўладиган жиҳатлариям.



Абдунаби БОЙҚОЗИЕВ

ЖАНГЧИ ЖУРНАЛИСТЛАР УНУТМАГАН КУН 1945 йил 9 май кун қерда эдингиз?

- Зиёд ЕСЕНБЕГОВ (1921 йили туғилган):** — Кинсбергда.
- Соломон МОГИЛЕВСКИЙ (1913):** — Берлин шаҳрида.
- Назармат ЭГАМНАЗАРОВ (1917):** — Шимолий Германиянинг Росток ўлкасида (Болтик денгизида).
- Иброҳим РАХИМ (1922):** — Берлин шаҳрида.
- Софья СОКОЛОВА (1919):** — Москвада.
- Ефим ТОРОПЧИН (1910):** — Германиянинг жанубида.
- Михаил КОМЛЕВ (1918):** — Болтик денгизи ва Берлин шаҳри оралиғидаги Ной-брандербург шаҳарчасида.
- Вячеслав КОСТЫРЯ (1921):** — Норвегия, Финляндия, СССР оралиғидаги чегара худудида жойлашган "Луостари" аэродромида.
- Мирон ДОКТОРОВ (1924):** — Венгрияда.



А.ХАКИМОВ чизган

Хам ТИЛ БУЗИШЛАРИ "МУБОРАК"!

Бундан бир неча ой муқаддам "Йургақда теккан касаллик... ёҳуд Хива холи Феруз кимнинг томини очган бўларди?" номли топшмоқ-фельетонимни юборган эдим. Босилмади. Унда нишонга олинган "касаллик" — газеталарда исомларнинг русчалаштириб берилганлиги юз фоиз исбот-далиллар билан юборилган эди. Бундай жиддий нуқсонларга фақат ва фақат "Хуррият"да забардаст, хатоларнинг, айниқса, тил бузилишларининг олдини олиб келётган газетанига барҳам беришига ишонган эдим.

Ахир қачонгача газеталарда Тошпўлатовни Ташпўлатов, Мавлоновични Мавлянович, Зокоровни Закиров, Собитжонни Собиджан, Аҳмаджонвични Ахмадҷанович, Шомуродни Шамурат деб ёзамиз?!

Шавкат БОЛТА
Хоразм вилоти
Ботот тумани

Пахлавон Махмуднинг шундай бир рубойини бор: "Ақлнинг маънисини не, менга де, дедим, Е шашь, ё чакмоқ ёки парвона, деди. Дунёга умид болгаса, кимки не, дедим, Е маст, ё аҳмоқ ёки девона, деди."

Бу рубойини мутлола қилаётганимизда ёдимга Форобийнинг "Ундан сурдилар", "У айтиди" қабилдаги ифода услуби тушиб, Пахлавон Махмуд рубойларидаги жиҳатлари Форобий китоблари мутлолаасидан олган таассуротларим билан муқояса қила бошладим.

Шоир рубойларида баён қилинган қарашлар Куръони Карим ҳамда Хадиси шарифлар билан чамбарчас боғлиқ бўлгани ҳолда, шоирнинг ижтимоий-маънавий қарашларида юнон бадий-фалсафий илмидаги жиҳатлар билан муштараклик ақлол кўзга ташланар эди.

Савол пайдо бўлади: "Пахлавон Махмуд июнонистонлик уламолар ижодидан қай йўсинда хабардор бўлиши мумкин? Африна қайда-ю, Хива қайда?"

Биз бу ўринда, шубҳасиз, биринчи — Арастудан кейинги "Иккинчи муаллим" — Форобийнинг меросига эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Шунга кура, Пахлавон Махмуд "Кўп менда савол, энди жавоб ким қилгай. Кўп менда гўҳ, энди савоб ким қилгай? Қайдаки жон пок, тавоф қилдим мен, Хокими меннинг энди тавоф ким қилгай?" — деганда гўрпарастлик учун эмас, балки аждодлар тафаккур меросининг моҳиятига бориб етиш ниятида бир умр ривзат чекканингининг гўвоҳи бўламиз.

Масалан, июн файласуфларидан олган баракали сабоқлари таъиниб, Абу Наср Форобий айтиди: "Фалсафада қўлланмадиган масалаларни ўрганиш мумкин бўлган китобларга келганимизда, уларнинг баъзилари халқ ахлоқини тузатиш, баъзилари шаҳарни бошқариш, баъзилари эса уйни бошқариш ҳақида баён қилади..."

Пахлавон Махмуд шериётда ҳар учала жиҳат ҳам шу даражада теран бадий таҳлил қилинганки, маъзур таҳлилларда июн файласуфларининг Форобий талқинидаги сабоқлари ақлол намён бўлади.

"Шаҳарни бошқариш" деганда июн файласуфлари муайян шаҳарини бошқаришни эмас, балки умуман, инсониятни бошқаришни назарда тутганларки, бу ҳақда Абу Наср Форобий ўзининг "Буюк кишиларнинг нақллари" китобида айтиди: "Уламолар шаҳар ва хонадон ҳақида гапирганлариде фақат ана шу шаҳар ва хонадонни кўзда тутмайдилар. Масалан, хонадон ҳақида сўз берганида, унинг ер остида ёки ер устида жойлашганини, унинг лойдани, ёгондани, теридани, жундани ёки бошқа бир нарсадан қурилганлигини эътиборда олиб гапириб қолмай, балки унинг ичиде инсон яшайши, у инсон учун қурилганлигини ҳам эътиборда олиб гапирдилар."

Пахлавон Махмуд бу мавзуде фикрлар экан, инсон учун бирлашқин уй бу вужуди ақилнинг таъкид этади. Вужуд — уйда инсоннинг руҳи истикомат қилади. Шунинг учун ҳам бу "уй" илк дафъа бино бўлган дамлардан бошлаб ҳозирнинг мўътабар вазифасини адо этишга киришади ва ўзининг маъзур бурчини сунгги дамгача бажариб яшайди. Рубойи: "Кун қондан эсар, ваҳки, нетай, ел қаттиқ, Холимга менинг фиғон қилар эл қаттиқ. Кўзёш аямай вужудни, чун, ювмоқда, Девор гувала, келар, мана, сел қаттиқ."

Бирок бу хол Пахлавон Махмуд маънавий турмуш билан боғлиқ жиҳатларни эътибордан соқит қилиб ижод этган, деган маънони билдирмайдми. Юнон файласуфларининг Форобий талқинидаги уйни бошқариш курсатмалари орқали инсоният ҳаётига интизом бахш этиш масаласи ҳам Пахлавон Махмуд каламида ўзига хос бир ёғду таратган. Шоир ижодида маъзур оҳанг энг жун эр-хотин масаласидан тортиб, мураккаб тафаккур қирраларини ўзига хос сўз тасаввирга хо қилишгача бир қўламини қамраб олгандир.

Хазрати Форобий каламига, бинобарин, Пахлавон Махмуд ижодида ҳам муайян маънода таъсир қўрган июн файласуфларининг бу бордаги қарашлари қаттиқ талаб-чанчилик руҳи билан сугорилган эди. Сукротнинг: "Уйлаб-

ИККИНЧИ МУАЛЛИМ

нетиб ўтирмай уйлан. Хотининг яхши чиқса-ку ҳубу хўп, ёмон чиқса файласуф бўласан", деган аччиқ кесатиғида теран маъно бор эди. Файласуф бўлиш демек, дунё ташвишларидан узлатга чекинши, руҳий мазмулда улардан баландроқ турмуш демокдир. Пахлавон Махмуд эса оилани жамиятнинг ўзига хос бир Ичонқалъаси деб тушунар, уни қў қорачиғидек асраш тарафдорни эди. У буюк сўфий шоир сифатида оиладан фақат Аллоҳни банд қилади. Пахлавон Махмуднинг фақат Аллоҳ йўлидагина "фарзанду аёл ва хонумдондан кечмиш" мумкинлигини қўлданган қўйишининг ўзидек унинг оилага нақадар жиддий муносабатда бўлганлигини, бу борда у Форобий таъсири остида июн файласуфларидан ҳам баҳраманд бўлганлигини кўрсатади. Ўз даврида Афлотун ёзган эдики: "Хар қандай никоҳ устидан бир нарсас амр қилиб турганим керак: хар бир одам ўз хузур-халовати учунгина эмас, балки давлат манфаатларини ҳам қўзлаган ҳолда никоҳдан ўтмоғи лозим". Пахлавон Махмуд ўз буюк салафларининг бундай ўғитларини ўзи учун дастуриламал деб билди. Бу қарашларини ўз даврига хос бўлган, ўзи эътиқод қўйган исломий қарашлар билан бойитган бир ҳолда тарғиб қилди. Пахлавон Махмуд ҳатто тасаввуфий маънодаги Аллоҳ шўй билан маст одамнинг ҳам оила ташвишларини унутиб қўймаслигини жоиз деб билганлигини шоир рубойларида идрок этиб турмади. Чунки, шоир қарашига, уй-рўздор, хонадон хар бир инсонни ҳам фалсафий, ҳам маънавий маънода бало-қазолардан асраб турадиган ўзига хос бир кўргондир. Рубойи: "Осмонга ҳилол мангута ботмас, қайтгай. Шунқор ўзини мисли ўк ўтмас, қайтгай. Қўларима кўзлари қайтгай бир кун, Сармаст киши ҳам уйни йўқотмас, қайтгай."

Юнонларнинг кишилик жамиятини шаҳар давлатлар тимсолида ифода этишлари ҳам Пахлавон Махмуд ижодида сезиларли таъсир этганки, шоир ўз рубойларида бевосита шаҳар мавзусини тилга олмаси ҳамки, унинг асарларида оммани бошқариш санъати (рубойи: "Шоҳлик тила-санг гариб, гадо бўлмақ шарт. Узни кўй, элга ошно бўлмақ шарт. Тож кимки сени бошга қўтарганингни. Қўларин-ўпмоқ, хожино бўлмақ шарт"), эл-юрт учун қайғуриш маъсулиятиндан қочмаслиги мавзуси (рубойи: "Йўлга қара! Йўлни қураблар кетиб, Бошла ўзинг, бошла юрларлар кетиб. Қавминга бориб холини сўр, қил йўқлов, йўқлаб сени, холингни сўрларлар кетиб"), раҳм-шафқат, ҳумқондорлик адолати масалалари (рубойи: "Чанг солса ажал, йўқ сира дармон, ҳайхот, Тенг шоху гадо айласа фармон, ҳайхот. Бо-шига етган эди шох Кирмоннинг, Шохнинг ўзини ёмоқда Кирмон, ҳайхот") ўз ақсини топганики, бу оҳанглари июн файласуфлари ижодида батафсил тадқиқ қилинганлиги амин бўлиш учун уларнинг асарларига енгил бир назар ташлаб қўйишнинг ўзи kifфоя.

Пахлавон Махмуднинг: "Йўлга назар солсанг агар, чеккил ох, Юрганда ҳазир бўл, йўл четига бордир чоҳ. Очса эшик дўст санго дўст ўз одамидек, Ўз ҳаддини билсин кўнгилу куз ва нигоҳ" каби бир қатор рубойларида Абу Наср Форобий томонидан "баъзилари (июн олимлари) назарда тутилган" (М.А.) уйни бошқариш ҳақида баён қилади" дейилган ахборотининг ширимизи ижодида ҳам шарқона бир тарзда акс этганининг гўвоҳи бўламиз.

Биз, шунингдек, жапонмардилик илдиларини ҳам Абу Наср Форобий талқинидаги июн файласуфлари тафаккур-рида кузатишимиз мумкин. Абу Наср Форобий "Буюк ки-

шилларнинг нақллари" китобида айтиди: "Баъзи бир шаҳар бошлиқлари айтдиларки, бойлик яратишда бевосита иш-тирок эла олмайдиган заиф кишиларни ўз холига ташлаб қўймасдан, уларга ҳам бойлиқдан бўлиб бериш керак... Илм аҳлига, руҳонийларга, замифларга бойлиқдан бўлиб бериши шароитга қараш керак..."

Форобий июн алломаларининг сўзга муносабатли тўғрисида тўхталар экан, шундай ёзади: "Очқикдан очик ёлғонни исботлаш "Шеър ёзиш санъати" китобида ёритилди. Аралашма исботлашга келганимизда, уларнинг айримларида чин фикр қанча бўлса, ёлғон ҳам шунчадир. Айримларида ёлғон чинга нисбатан кўпроқдир, айримларида эса чин ёлғонга нисбатан кўпроқдир. Булардан ёлғонни чин билан баробарлик "Риторика санъати" китобидан ўрганиш мумкин. Чиндан ёлғонни кам бўлганини "Бахшлаву ҳақида" китобидан ўрганиш мумкин. Ёлғонни чиндан кўп бўлгани "Софистика санъати ҳақида" китобида ёритилгандир..."

Пахлавон Махмуднинг Сўзга муносабатли юксак илоҳий нуқтаи назардан келиб чиқиб шаклландиган. Бу шаклланиш жараёни, аввало Пахлавон Махмуд мансуб бўлган ислом эътиқоди туфайли, қолаверса, иккинчи муаллим бўлиши Форобий хазратларининг июн тафаккур бойлиқларини маърифатлиқ маслаҳатларига етказиш учун қилган баракали саъй-ҳаракатларининг самараси ўлароқ вужудга келган рисолаларидан олган сабоқларга кўра мунозарали бир тарзда ўз бергандир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоиздирки, июнонистонлик алломалар сўзини, асосан қундалик маънавий ҳаётда асқотадиган бир аслаҳа сифатида ишлатган ҳамда маъзур сўздан, вазиятга қараб, гоҳ рост, гоҳ русту ёлғон, гоҳида бўлса фақат ёлғонларни ишлатиб ҳаёт кечиришни ўзларига эл қўрган бўлсалар, Пахлавон Махмуд июнонистонлик салафларининг сўз оритиш маҳоратларини инобатга олган ҳолда, бу қудратли қуролга принципли жиҳатдан мулоқабат бошқача муносабатда бўлди. Пахлавон Махмуднинг назарида Сўз мўъжизаси буткул бир илоҳий мазмун қасб этди. Шоир инсоннинг сўзга бўлган муносабатларини мулоқабат илоҳий таъомиллардан келиб чиққан ҳолда белгиллаш зарур, деган фикрда бўлди ва ўзининг бу масаланин ошанин мисраларида ифода қилди. Рубойи: "Бердим қаламимга сўз, тилим лол этдим. Орфияну, қўнғилимда ажиб хол этдим. Сўз давлати сўлтонлари таслим бўлди, Бу мулкни тафаккур ила ишгол этдим". Демак, сўзининг ўзи алоҳида бир мулк. Ва бу мулк нақадар илоҳий бўлмасин, у инсонга чекинган ривзатлар завзигагина бўйсунмадиган бир салтанат, "тафаккур ила ишгол қилинадиган" мамлакатдир.

Юнон файласуфлари, Форобийнинг хабар беришича, сўзда ёлғонни ҳам бир санъат сифатида қабул қилганлар. Пахлавон Махмуд сўзга, ўзининг неча ўн асрлаб муқаддам яшаб ўтган салафларидан тубдан тафовут қилароқ, сўздаги ёлғонни аёвсиз бир нафрат билан таҳлил қилади, ёлғондаги ёвузлик моҳиятини юксак бир бадий маҳорат билан очиб ташлайди. Рубойи: "Тухмат бир исирга, биз уни... эл қураимиз, Қулоқча бир-бир тақамиз, зеб қураимиз. Ғам захрини хиҷрон қўлидан неча юрак Тотди... бу лўқмани биз ҳам еб қураимиз".

Ёлғоннинг касби-кори ана шундай ўртанмига нифоқ солиб, юрларини захарлашдир. Пахлавон Махмуднинг ифода қилишича, инсоний тафаккурнинг имконияти чеклангандир.

Шунинг учун ҳам Сўзга бино қўйиб, кибру хавага берилиш кечириб бўлмайдиган бир хатодир. Гумроҳликдир. Гарчи сўз бизни ҳайвондан фарқлайдиган муборак илоҳий бир неъмат бўлса ҳамки, бу табарруқ тўхфа ҳаётдаги барча муаммоларни бартараф қила олмайди. Пахлавон Махмуднинг ўқтиришича, гарчи сўзининг имкони чекланган бўлса-да, бу чекланганликнинг, бу маҳдудликнинг аламини чилпарчин қилиб ташлайдиган бир имкон бордирки, бу ҳам бўлса сўз воситасида ана шу сўзини инсонга бахш этган Яратувчига ҳамду сано айтиш имкониятидир. Чунки этан шу сўзининг шарофати билан тавба-тазарру қилинади, ана шу сўз туфайли инсоннинг гуноҳлари афв этилади. Рубойи: "Е Раб, назарингни қалбимга жо қилдинг. Афв айладинг-ю, гуноҳни рўё қилдинг. Фош элдинг-ю қошма не-не сирларни, Маҳдунда тилим бунбулунгё қилдинг".

Шоиримиз июнонистонлик биринчи муаллим Арасту ва унинг мусулмон шогирди бўлиши иккинчи муаллимнинг, яъни Форобийнинг фикрини бадий тарзда ривожлантириб, шунини алоҳида таъкидлайдики, агарчи сўзининг илоҳий имконияти бу — Яратганга ҳамду сано айтиш бўлса ҳам, Аллоҳнинг инсонга сўзини тўхфа қилишдан мудооси, албатта, ҳамду сано тинглаш эмас эди. Балки, инсонни инсон тарзида баркамол, оқил, инсофий-диёнати, ҳуллас, қомил бир тарзда қўриш эди. Шоир фариҳча, бундай улғу тўхфа, яъни сўз учун ва сўз туфайли эришладиган фази-латлар учун миннатдорчилик қилишининг биргина имконияти мавжуд, у ҳам бўлса, бахш этилган ҳаёт эвазига охири-оқибатда жон бахш этишдир. Рубойи: "Умринг бу — ша-раф, на шерь, на достон шартдир, Бахтинг-да баланд, на арш, на осмон шартдир. Сенга фидо қилгай бир жоним бор, Йўлингга сенинг, Аслида, минг жон шартдир". Шунинг учун ҳам Яратувчи тўхфа этган сўзга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмақ керак. Шоир шунини қайта ва қайта ўқтирадиги, инсон ўз қилмишларида камчиликлардан холи бўлиши учун нутқиде нуқсонлардан қутулиб яшамоғи лозим. Ана шундангина у ўзига илоҳий салохият — нутқини ато қилган Яратувчининг тўхфасига муносоиб бўлади. Рубойи: "Нутқинг қайи нутқ дунёда, эй дўст, йўқдир. Қутлуг бу қаломда ҳеч қаму кўст йўқдир. Енғоқ-кў сўзинг, керакмас арчмоқ-чакмоқ, Ҳаммаси мағз унинг, пўст-пўст йўқдир..."

Пахлавон Махмуднинг Форобий сўзчиликчилигида июн фалсафий тафаккурининг турли жиҳатлари билан ошно бўлганлигини ҳамда маънавий жиҳатдан теран ўзлаштиргани бу жиҳатлари поэтик таҳлил "Чигириндан" ўтказиб, бадииятнинг бебаҳо мулкига айланганлигини кузатиш шоиримиз ижодиётидан оладиган баҳрамизни ана ҳам теран-лаштиради. Унга файз бахш этади. Пахлавон Махмуд хазратларининг қалами файзиёб бўлган ана шундай жиҳатлардан бири — фалсафадир. Иккинчи муаллимнинг хабар беришича, "Фалсафани ўрганишдан олгда қўйилган мақсадага келганда, бу мақсад ягона ва ҳаракатсиз олий яратувчининг билишидир. У барча нарсаларнинг ҳаракати сабаб-қисидир ва унинг билими, одиллиги, саҳийлиги туфайли бу оламни ҳаракатга солиб турувчидир. Файласуф нима қилмасин, ҳаммасини инсоний имконият даражасида шу яратувчига ўхшаш учун қилади..."

Тасаввуф бир азим дарахт. Унинг минг-минглаган илдиларидан бири, ажаб эмаски, Яратганнинг инояти билан июн фалсафасига бориб тақалган бўлса. "Дунё елади, тўхтаганин кам қўрдим, Хар шодлиғида, ох, неча минг ғам

GLobus

international life

Репортаж

МАТБУОТ ЭРКИН — ДУНЁ ЭРКИН

Журналистларни химоя қилиш кўмитаси баёнотида кўра, 2000 йилда дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатида 52 та журналист ўлдирилган, 18 мамлакатда эса 81 мухбир қамқоққа олинган. Ҳар йили 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кўни журналистлар шайхид ҳаммасабларини ёд олиб демократия жамиятида оммавий ахборот воситаларининг зиммасидаги масъулият ҳақида фикр алмашадилар.

Динора ДУЛТАЕВА

лашарсиз ахборотни олиш ва тарқатиш эркинлиги ҳуқуқини химоя қилишлари ни сўраб қоламиз».

Мамлакатимизда ҳам Жаҳон матбуот эркинлиги кўни муносабати билан бир неча тадбирлар бўлди. Эрталабдан Интернетнос ташкилотидан АҚШнинг Ўзбекистондаги факултети ва мухтор элчиси Жон Хёрбст, Буюк Британия элчиси Кристофер Ингем, журналистлар ҳамда ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабалари йиғилишди. Кизгин муҳокамадан сўнг сўз эркинлигига бағишланган телефильмлар намойиш этилди ва Интернетнос телепорталдан ўтказилган телерепортажлар танлови натижалари эълон қилинди.

«Sheraton» меҳмонхонасида эса Очқ жамият институти ва БМТ Тараққиёт дастури кўмағида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Павел Крал, Очқ жамият институтининг кўмак жамғармаси ижрочи директори Аллен Делетроз, АҚШнинг Ўзбекистондаги факултети ва мухтор элчиси Жон Хёрбст, шведиялик журналист Элин Йонсон ҳамда бошқа ҳаммасабларимиз фикр алмашадилар. Анжуман якунида Очқ жамият институти эълон қилган энг яхши мақола ва энг яхши янгилик телерепортажи танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

SOS!

КОМПЬЮТЕР БИЛАН БОҒЛИҚ КАСАЛЛИК

Ҳам болалар, ҳам катталар диққатига!

Бугун тараққий этган мамлакатларда компьютер бўлмаган Интернет тизимига уланмаган хонадонларни камдан-кам учратиш мумкин. Хатто айрим оилаларда киши бошига биттадан компьютер бор. Бир-икки йил олдин эса АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон Америкадаги ҳар бир оиланинг Интернет тармоғига улашиши масаласини давлат сийсати даражасига кўтарганди. Айни вақтда бундай аънава Буюк Британияда ҳам юз берапти.

Замонавий компьютерлар, Интернет бизнинг ҳаётимизга шитоб билан кириб келяптики, баъзан бу жараён одами кўзбоялчи каби сохтаб ҳам кўяётгандай туюлади. Шунданми, Интернет сўмқоқларида соатлаб тентираш, компьютер қаршида меъёрдан ортиқ ўтириш инсон саломатлиги учун қанчалик жиддий таъсир қилиши ҳақида уйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Бугун бизнинг юртошларимиз уйларида ҳам компьютерлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг сони ортиб бораётгани янама кувонарли. Уйда компьютер бўлгандан кейин унга оиланинг кичик ёшдаги болакайлари ҳам табиий равишда қизиқади. Бу ажабтовур нисбатининг нималигини билгиси келади. Ота-оналарнинг ўзлари ҳам болам компьютерни билсин-ўргасин, Билл Гейтс каби пули кўп бўлсин, деб уларни рағбатлантиради. Қолаверса, секин-секин компьютерларнинг мактаблар соңиями ортиб борапти. Юртимизда Интернет-кафе деган жойлар кўпаймоқда. Ўсимирлар ва болалар ўртасида видео ва денди синдроми каби компьютер ўйинларига ишқибозлик ҳам кенг ёйилаётир. Бу ҳол ҳаммамизни қувонтириши табиий. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор.

Болаларнинг ўзларига мос бўлмаган стол-стуларда ўтириб компьютерда ишлаши, компьютер ва бола ўртасидаги мулоқот вақтининг назорат қилинмаслиги ва шу каби омиллар болалар соғлиғига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин экан.

Утган йили айни масала юзасидан ўтказган журналистик тадқиқот сабаб АҚШдаги Сан Франсиско университети ходими, компьютер билан боғлиқ касалликлар бўлими маслаҳатчиси доктор Кэтрин Гибней билан суҳбатлашди. Сўхбат мазмунига юзлашимдан олдин бир гапни кистириб ўтсак. АҚШда, умуман тараққий этган давлатларда компьютер ва болалар саломатлиги масаласи жиддийлашиб бораётганидан ушбу йўналишнинг ўз мутахассислари ҳам пайдо бўлган. Бизда эса ҳали компьютерлар ҳаётимизни кенг ишғол этганини учун бундай ташвишга эҳтиёж йўқ. Лекин биздаги мутасаддилар ҳам компьютер билан боғлиқ касалликларни ўрганиш масаласига ҳозирдан ҳам жиддий эътибор қаратиши бошласа фойдалан холи бўлмайди.

Компьютер билан ишлаш хавфсизлигида эргономиклар — стол-стул, монитор, клавиатура — катта аҳамиятга эга. Доктор Гибнейнинг айтишича, Сан Франсиско университети ўтказган сўраш-тадқиқот натижалари компьютерда кўп ишлайдиган, турли компьютер-ўйинларга ишқибоз ўсимирларнинг деярли ҳаммасида бир-бирига ўхшаш шикоят мавжудлигини кўрсатган. Кўп ва елка мушакларида оғриқ, қўл хароратининг совуши, нафас олиш маромининг бузилиши, танадаги турли тўқималарнинг юқори даражада тарагналуши ва ҳоказо омиллар.

«Биз билан бирга ишлайдиган тадқиқотчи дўстимиз, Эрик Пеппер компьютер ўйинлари ўйнайдиган 11-13

Фарҳод АРЗИЕВ

яшар болаларнинг бир гуруҳида нафас олиш маромини кузатиш. Кўрсати, ўйин давомида болалар минутига 22-23 мартаба нафас оларкан. Аслида эса, уларнинг ёшида минутига 6-8 мартаба нафас олиш меъёр ҳисобланади», дейди доктор Гибней.

Энг хавфлиси эса, компьютердан нотўғри фойдаланувчи ўсимирлар ёки болалар йиллар ўтиб ногирон ҳам бўлиб қолиши мумкин экан. Компьютер билан боғлиқ ана шундай жиддий хасталиклардан бири мушакнинг узлуқсиз зўриқиши деб аталади. Бунда узлуқсиз ҳаракат натижасида бўғинлар, мушаклар, нервлар ва организмдаги бошқа юмшоқ тўқималар зарарланади. Оқибатда эса кўнлар шол бўлиб қолиши мумкин.

Шу сабабли, дейди Кэтрин хоним, аввало, болаларнинг компьютерларда ишлаш вақтини қаттиқ назорат қилиш керак. «Улар компьютерда ишлаётганда узоғи билан ҳар ўн беш дақиқада танафус қилиб туриши лозим. Бу кўнда нафас қилиб болалар, балки катталар ҳам амал қилса, фойдалан холи бўлмайди. Компьютерда ишлаётган одам ҳар дақиқада кўнларга икки-уч сония даб бериб, мушакларда қон алмашишига кўмаклашиши керак».

Болалар билан компьютер ўртасидаги «дўстлик»ни албатта олқишлаш керак. Лекин компьютердан бошқаси бекор, деган фикрда қотиб қолиш ҳам нотўғри. Доктор Гибней айтмоқчи, болаларнинг баркамол ўсишида табиатга ошнолик, турли ҳаракатли ўйинлар ўйнаш, китоб мутолааси каби омиллар ҳам катта аҳамият касб этишини унутмаслик лозим.



Тараққиётга тўсқин йўқ

АЖАБО!

Бойвачча Билл Гейтс бир неча марта қарз кўтарганидан сўнг пулдорликда иккинчи ўринга тушиб кетди.

Mulohaza

ISLOM DA ZO'RAVONLIK JOIZ EMAS

«New York Times» gazetasida yozilishicha, Amerika Qo'shima Shtatlarining Afrikadagi elchixonalarida sodir bo'lgan bomba portlashi bilan ayblangan shaxslarning bo'lib o'tayotgan sudida Amerikaning eng yetakchi imom-xatiblaridan biri, Imom Siroj Vahhoj, Islomda begunoh odamlarni o'ldirish shariatga qarshi ekanligini ta'kidladi. New York shahridagi at-Taqvo masjidining imom-xatibi Imom Siroj Vahhoj aybdorlaridan Muhammad Saddiq Odehning o'qlovchisi tomonidan da'vo berish maqsadi bilan chaqirilgan edi.

Dovud XUNZIKER, Washington universiteti aspiranti

qochib ketishi bilan insoniylik va shariatga muvofiq shaklda harakat qilganini ko'rsatish uchun ittimos qilgan edi.

«Islom boshboshdoqlikni o'rgatmaydi va odamlar biron yomon ko'rgan narsani adolatsizlik bo'lsa ham, turib shunday zo'ravonlik bilan harakat qilishlari joiz emas. Bu islomiy emas», — deb aytdi Imom Vahhoj. «[Din peshvolarga] itoat qilishimiz shart, lekin ko'r-ko'rona emas. Rahbarlardan hisob so'raшимiz kerak, bu bizning burchimiz, mas'uliyatimiz. Rahbarlarimiz noto'g'ri amrlar bergan paytda, [unga ergashimiz] to'g'ri emas». Begunoh bolalarning o'ldirilishi haqida so'ralganda, Imom Vahhoj, «U g'ayriqonuniy, jinoyi. Men sizlarga aytayman, fikrlashib, hukm chiqarib, zo'ravon amallarni qilishga hech qanday haqimiz yo'q. Islom bunga ruxsat bermaydi, qabul qilmaydi ham», — deb javob berdilar.

Odeh, Usomo bin Ladenning al-Qoida degan terrorist tashkiloti a'zosi bo'lib, Afrikada bombalashning tayyorlagiligi xizmat ko'rsatdi. Lekin begunoh odamlar shu faoliyat yuzasidan o'ladi deb tushunganidan so'ng Afrikadan qochib ketdi. Bombalarni portlatishda ishtirok etmaganligi uchun o'qlovchisi uning aybi bo'lmaganligini ko'rsatishga kirishmoqda. Shu bois, Imom Vahhojdan Odehning

Тақққ

НАРКОТИКАГА ҚАРШИ

Бугун ва ҳар қачон

Наркотика йилдан-йилга, қолаверса, қўндан-қўнга кимларнингдир қуролига, яна кимларнингдир қиролига айланди бормоқда.

Наркотик моддалар етиштиришнинг усуллари улар сони ортиб бориши баробарида ривожланимоқда. Масалан, каннабис моддаси етиштириш учун тулпорқиз озқу ўғитларнинг ўзига етарли. Бу модда айниқса АҚШ ва Канадада етиштирилган йиллик 800 тонна инконунинг қанабисининг 60 фоизга яқини АҚШ яширин бозорларида савдога чиқарилади.

Нафақат каннабис, балки кокаин, героин, қрз ва бошқа-бошқа турли номдаги наркотик моддаларнинг Фарб давлатларига киритилиши турли йўлар билан амалга оширилоқда. ОАВнинг айрим қисми инсонларни эҳтиёткорлик, ҳушёрликка чақирса, Интернет тармоғи нарқобизнесда узоқни яқин қилувчи воситага айланиб улгурди. Хайратланарлики шундаки, тармоқ сайтларидан каннабис, метамфетамин каби огуларни етиштириш борасида етарлича маълумотлар берилган.

Марказий Осиё учун катта хавф Афғонистонда етиштирилаётган наркотик маҳсулотининг минтақа орқали Европа ва Фарб давлатларига чиқариб кетиш эҳтимолининг юқорилигидадир. Нарқобизнесга қарши кураш давом этмоқда.

2000 йил октябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференцияда Марказий Осиёда нарқобизнесга қарши кураш, уюшган жиноятчилик, терроризмнинг олдини олишга қарши чора-тадбирлар қўриб чиқилди.

Президентимизнинг Германияга қилган сафаридан ҳам икки давлат ўртасида «Нарқобизнесга қарши биргаликда курашиш» тўғрисидаги баёнот қабул қилинган эди. Бундай баёнотлар кўпгина давлатлар билан ҳам тузилган ва бу ўз самарасини беради.

Дилбар АРАЛОВА

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси «РАСТР» кўшма қорхонасининг бош директори Обиджон Соибназаровга онаси **ЗЕБИХО АЯНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

САБОҚЛАРИ

кўрдим. Бу кўна рабт ҳар ёғидан йўқликнинг Даштига йўл кетганини ҳам кўрдим», деб ёзган эди Пахлавон Махмуд.

Йўқлик — ўтмиш. Пахлавон Махмуд мансуб бўлган бу «рабт», яъни замонанинг ҳар ёғидан ўтмишга қараб кетган йўлларнинг бири хивалик буюк аллома ҳаёлини Афганининг олим мазийдаги тафаккур қасрларига Форобий раҳнамоллигида бошлаб боргани, аён бўладики, эҳтимолга жуда экинди. Ҳамма йўллар Римга элтади, деган нақл бор мағрибда. Пахлавон Махмуднинг тафаккур мулкига ҳамма йўллар одами Хаққа элтади. Ҳақ йўлига элтадиган буюк йўлнинг бандаргоҳлари ана шу ҳақ яратган ёруғ жаҳоннинг исталган нуқтасидан ўтиши мумкинлигини биз Пахлавон Махмуднинг тафаккур салтанатидан яққол илғаб оламиз.

Барча тафаккур ва фаолиятлар ҳаққа олиб боради ва барча тафаккур ҳамда фаолиятлар ҳақдан ибтидоланади. Пахлавон Махмуднинг ҳар бир рубоийсидан бу хулоса барқ уриб туради, ҳарик муболага бўлмас. Рубоий: «Един ила ҳар даму ҳар он тоза булур, Тонг ели эсар ва гулситон тоза булур. Байрам каби дийдамадан экан дийдоринг, Холери хушу, дил хурраму, жон тоза булур». Рубоий: «Оқ йўл сента! Ишқинг мен учун жон бўлди, Сен ҳаққа ҳаёлини, мази тобон, бўлди. Ҳақ соясинан, тушдинг, ахир, бошимга. Шу соя туғайли бошим осмон бўлди». Рубоий: «Наздигида агар далда, агар ҳақ бўлсин, Суз бир асос билркаи барҳақ бўлсин. Дўстлар дилида наса саодат хиржон, Дийдор билан ахйир и нақд бўлсин». Ва, ниҳоят рубоий: «Е на каро билан, на ё оқ билан мен. На шах тарарфа, на мурид ёк билан мен. Пасту баланд, жахлу аландан озод. Дунё ишидан холиману, ҳақ билан мен».

Форобий ёзади: «Арасту таълимотини ўрганиб олишга интилувчининг ҳолатига келганимизда, у аввало ўзини фалсафани билишга тайёрлаши лозим, сўнг эса ўз хулқ-ахлоқини табиий хирслардан шундай тозалаш кераки, унда машаққат эмас, балки фақат ҳақиқатга бўлган ҳавас қолсин». Иккинчи муаллимнинг бу ва бундай ўғитларига Пахлавон Махмуд умр бўйи амал қилиб ижод этганлигининг гувоҳи бўлиш бизни маънаван баҳравар қилади. Зеро, Пахлавон Махмуд ўзининг ҳар бир рубоийсида ҳақиқатловчилик салоҳиятини намоян қилиб туради. Пахлавон Махмуд рубоийлари ҳар бир инсон ва, умуман, инсоният ҳақни кашф этгунча чеккан қубатларининг ўзига хос рибзатномасидир. Рубоий: «Ақлимни меннинг қилгучи лол инсондир. На кофир у, на муслим у, бир хайрондир. Ҳақ не, гумон не, доғдирар ўй ўйлаб, икки жаҳони шу билан вайрондир». Пахлавон Махмуд буюк муаллим Форобийнинг Арасту ҳақиқатловчиликни васият қилиб қолдирганидан руҳанил ижод этди, бу васиятга оғишмай амал қилди. Бирок шунча алоҳида таъхидлаш қувончлики, бу амал қилиш ортифана кечди, яъни ўз салафларининг тафаккур дунёсини янги маънавий кашфиётлар билан бойитди. Пахлавон Махмуд бу кашфиётларга эришувининг бирдан-бир тўғри йўли тафаккур эканлигини, тафаккурнинг қудратли қуроли эса сўз эканлигини бир лақабо бўлсин унутмади. Рубоий: «Суз бўлди зилол лабонг бир лақабо бўлсин, Бозор аро қизлариди, Ишлаш ва топиш учун-қу дарё, гаҳар». Пахлавон Махмуд рубоийтидан шуниси аён бўладики, Арасту ва Форобийлардан мерос қолган ҳақиқатловчилик йўлига

тушган одам ўзида маънавиятнинг мусоффо дәрбсида чўмилишга ҳуқуқ сезгудек даражада қўп бўлмоғи шарт. Шунинг учун ҳам у руҳий машаққат чекши тўғайли тозаланмоғи, ўзидаги салбий сифатларни бартарф этмоғи лозим. Бу тозаланиш бахти эса, исломий тафаккур эгаси бўлган Пахлавон Махмуд ва унинг лирик қарамони учун фақат тавба-тазарру орқалигина рўй бериши мумкин. Рубоий: «Е Раб, не ажаб, қилса мени қон тавба, Айладим, излаб сени, паймон, тавба. Этдимки кўшаймон бу пушаймонимдин Қилдирди мани бошқа пушаймон тавба». Агар Пахлавон Махмуд ҳазратлари ҳақиқатловчиликнинг тўғри йўлига тушиб, ҳаққа етганида эди, унга, биринчи муаллимнинг, эҳтимол, муҳим хатоларидан бўлган шахсга тақдир қилиш хавфи таҳдид солган бўлури эди. Яна Форобийга мурожаат қиламиз: «Аристотелга тақдир қилишга келсак, унга тақдирга бўлган мойиллик тақдирни ҳақиқатдан устун қўйиш даражасига бориб етмасин ҳамда тақдирдин инкор қилиш даражасига денсисмасликка йўл қўйилмасин». Бу ўринда Форобий бизни икки хавфдан огоҳ этади. Иккинчи муаллим бу ўринда тақдир деб ўрганишни, сабоқ олишни кўзда тутгани ва шогирдини тақдирдан қайтаргани. Иккинчидан, кейинчалик тасаввуфда «Пийр» истилоҳи билан ифода этилган «устозга» шубҳа билан қарамасликка, ундан берилиб таълим олишга даъват этади.

Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деган бир матал бор. Биз юнонистонлик алломаларнинг юқорида зикр қилиб ўтилган қарашларидан, кейинчалик аввало одам бўлмай туриб, олим бўлишнинг имконсизлиги тўғрисидаги бу фикрларнинг буюк сўфийларнинг томонидан нақадар теран далилланганини кўриб, бу гапнинг нақадар мантиқсиз эканлигини билиб оламиз. Илм ва амал бирлиги, ҳар қандай чинакам илмининг замирида эзгуликнинг мавжуд бўлиши шарт эканлиги, яхши одам бўлмасдан туриб, олим бўлавериши мумкин деган сафсатами чиппака чиқаради. «Тоғлар назаринда тор, сахро тангдир, Хотирам ойинаси чангу зангдир, Сув-қу яқин, узатсам ҳеч етмас қўл, Чинакка борай десам оёғим лангдир», — деб ёзган эди Пахлавон Махмуд ҳазратлари. Дарҳақиқат, инсон ўзидаги эзгу сифатларни камол топирмас, ўз шуурини, ақлини, ўз кўнлини или олишга қорламаса, маърифат-ҳазиналар шундоққина кўз еттидиган ерда бўлса ҳам, бунинг нафи йўқдир. Тегишли ҳозирликка эга бўлмаган одам учун тоғлар тор, сахро танг бўлиб қолаверади. Илм ўрганишининг яна бир муҳим шартини, фақат шогирдининг илхоси эмас, устозининг рағбати ҳамдир. Форобий ёзади: «Муаллимнинг хулқига келсак, худалим шогирда нисбатан ўта ҳокимликка ҳам, ўта бўшликка ҳам йўл қўймаслиги лозим, чунки ўта ҳокимлик шогирда муаллимга нисбатан нафрат уйғотади, агарда шогирд муаллимнинг бўшлигини сезса, унда муаллимга ва унинг фанига нисбатан совил ва менсимаслик пайдо бўлади». Пахлавон Махмуд бундай устоз ҳақида шундай фикрларга эди, рубоий: «Тап қотдию қўл, бўлмади сирдош ҳаргиз, Ҳақни яширди тўқсам ҳам ёш ҳаргиз. Билмаганини вайсади кўп гофиллар, Билганини қилмади у фох ҳаргиз». Юнон файласуфларидан устозлик ва шогирдлик ўртасидаги мувозанат фалсафасининг Форобий қалами орқали Пахлавон Махмудга таъсир этиши бунинг билан чекланмайди. Пахлавон Мах-

Матназар АБДУЛҲАКИМ, Хоразм Маъруф академиясининг катта илмий ходими

муднинг таъхидлашича, юқоридаги мавзунлик юз берган тақдирда чинакам устоз-шогирдлик саодати рўй беради. Бундай ҳолда, шогирд асл тафаккур истиқлоли эгасига айланади, яъни у мустақил тафаккур қилишига, тақдирчиликдан, тўғриси, тақдирчиликдан халос бўлишга мушарраф бўлади. Шоир бадииятидан келиб чиқиб баён қиладиган бўлсак, ой каби офтобдан нур олиб ёғду таратмайди, балки қўёнинг ўзидек ўз аслиятидан шуъла сочадиган даражада эришади. Рубоий: «Менки маҳак бирла таниқ тилломан, Олтин суви ичрамас, аниқ тилломан. Ҳеч ой каби олмасдан омонат нурини, Офтоб нуридек асл, ёниқ тилломан».

Иккинчи муаллим сабоқларидан баҳраманд Пахлавон Махмуд фойий бу дунёда фалсафий қарашларнинг, турли хил тамойилларнинг-да ўткинчи эканлигини, ушбу кунда рад қилинмайдиган ҳақиқат сифатида тан олинган жиҳатларнинг келажакда яшаб қолмаслиги ҳам эҳтимолдан узок эмаслигини чуқур аңглар эди. Рубоий: «Тонг пайти чекибам, юраги шом, бўлдинг, Дарду сукунат қўйга ром бўлдинг. Мафтун эдинг, жойи тузук, дом бўлдинг, Яхши эдинг, охири бадамон бўлдинг». Шоир ўзининг тағин бир рубоийсида ёзади: «Топдим деб аниқ нишонни мағрурланма, Топган у нишонинг бенишон кетмишидир».

Пахлавон Махмуднинг Форобий васиятига кўра илмий фаизиллар асоси деб билиши, бу қарашнинг Суқротдан Арастуга мерос бўлиб қолган «Фақат битта эзгулик бор, бу — илм, фақат битта ёвузлик бор, бу — жаҳолатдир» тарзида ифодаланган донишмандлиги катта таъсир кўрсатганлиги эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам буюк шоиримизнинг Аллоҳ таолодан маърифат сўраб мурожаат қилиши дуо даражасига кўтарилганиги табиийдир. Рубоий: «Хислат беру, ё Раб, юрагим шод айла, Қилди хароб гуноҳу, сен обод айла. Идрок эта олмай сени бир кетганим, Келдим ана қайтиб, мени озод айла». Рубоийдан кўринишдаки, Пахлавон Махмуднинг ўқитиришича, гуноҳ бу — жаҳолат, ҳақни идрок этмаслик бу — тутқунликдир. Чинакам озодлик бу, шоирнинг таъхидлашича, маърифатдир.

Биз юқорида эслаб ўтган «Тап қотдию қўл, бўлмади сирдош ҳаргиз, Ҳақни яширди тўқсам ҳам ёш, ҳаргиз. Билмаганини вайсади кўп гофиллар, Билганини қилмади у фох ҳаргиз» рубоийси Форобий ҳазратлари юнон фалсафасини таҳлил қилаётиб, келтирган яна бир жиҳатни тасдиқлайди: «Аристотелнинг» юнонлик жумаларни қўллашига уч нарас сабабдир. Биринчиси — ўқувчининг фалсафа илмини ўрганишга қобилиятини синаб қўриш. Иккинчиси — фалсафани барчага тушунарли қилиб эмас, балки унга хос одамларгагина тушунарли қилиб бериш учун. Учинчиси — фикрни қийин масалалар билан машқ қилдириш учун».

Пахлавон Махмуд ҳазратлари ҳаммиса ўзини Форобий, Арасту сингари буюк алломаларга муносиб ворис бўлишга чоғлаб ҳаёт кечирди. Арастунинг «Чексизликка интиланг кишининг меҳнати фойдасиз меҳнатдир», деб берган ўғитини дастуриламал деб билди. Муайян биллимини ошириб, муайян фаолиятга бўлди. Шунинг билан бирга, яқна шахсининг имкониятлари, гарчи сарҳадли бўлса ҳам, ниҳоятда улкан эканлигини эътироф этди. Рубоий: «Фаҳм этгучи қисмат» юқини дил менман, Уммон эрру ул. Наҳанг эса, бил, меҳман. Жипс икки жаҳон юкига тутган елка Бир фил бу, фалак, сенсану, бир фил — менман».

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир: Хуршид ДУСТМУҲАММАД

Тахрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Навоил КАРИМОВ, Абдуқоҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Нораил ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқоҳим ЙУЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс: Яқна обуначилар учун — 233 Ташкентлар учун — 234

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Топшириш вақти — 21.00

Чопириши — 19.00

Буюртма — 1-

Муаллиф фикри тахририят нуктадан назардан фарқланishi мумкин. Тахририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida tirliladi va sahifalandi. Sahifalovchi: SH.SAYDULAYEV

Бахс

ИСТЕЪДОДИ АВАЙЛАЙЛИК

Дилшод Каттабеков бола эмасми? У уйинни, эртакни яхши кўрмайдими?!

Анчадан бундан мияда пишиб юрган, лекин коғозга тушмаган фикрнинг баъзилари учун баъзан бир сўз ёки бир воқеа туртки бўлади. Ишончага кетаётган симфонга елмиланган концерт адишларидан бирда концерт дастурини Дилшод Каттабеков (кичкина табиб) олиб боради, деган ёзувга кўзим тушди-ю, кейинги вақтларда ўзимни ўйлантириб юрган муаммони ёзишга жазм қилдим.

Дилшод Каттабеков. Кейинги пайтларда бу ёш истеъдод елкасига тушаётган, ҳатто катта ёшдагиларга ҳам оғирлик қилиши мумкин бўлган жисмоний ва руҳий юк ҳақида фикр билдиришни ҳам фарз, ҳам қараз деб билдим.

Чамаси бундан беш йиллар аввал жажжигина, лўпқи юзли, табассуми узага ярашиб турадиган, тўрт ёшлардаги бу бола ўзининг кўнгирокдек ёқимли овози билан ойнамажон орқали хонадонимизга кириб келди. Ундаги бегуборлик, саҳнада ўзини табибий тўтиши, ширали овози қалбларимизни қувончга тўлдирди.

Шундан кейин бастакорларимиз унинг овозига мос кўшиқлар ярата бошладиклар. Дилшодбек катта анжуманларда, телевидениеда бўладиган концертларда тез-тез кўшиқ ижро этиб, янги-янги кўшиқлари билан дилларимизни шод этди. Дилшодбек, сўзасиз истеъдод эгаси. Психология фанида истеъдод деб муайян фаолитда бир қанча қобилиятларни биргалайча намоён бўлишига айталик. Шунинг учун унинг ноёб истеъдоди фақат кўшиқчиликда эмас, актрлик соҳасида ҳам, рақосчиликда ҳам ёрқин намоён бўла боладики, бу "Кичкина табиб" деган кенг метражли бадиий фильмда ўз исботини топди.

Кейинги вақтларда у телевидениеда болалар учун "Муъжизалар майдончаси" деган кўрсатувни муваффақият билан олиб бораётган. Буларнинг ҳаммаси қувончли, фахрланса арзийдиган нарсалар. Лекин масаланинг мутахассис сифатида мени ташвишлантираётган бошқа бир томони борки, бу ҳақда эътибор билан ўйлаб кўришимиз керак. Аллоҳ берган истеъдод — халқ бойлиги, унинг мулкчи ҳисобланади. Уни асраб-авайлаш, тарбиялаш, салоҳиятидан секин-астаки билан фойдаланиш бек катталарнинг муқаддас бурчимиз ва вазифаларимизга кирди. Ундан бугунги кун учунгина фойдаланиб, унинг эртасини ўйламасак, эҳтиётмасак, қобилият куртакларини парварши қилмасак эл-юрт бойлигига хиёнат қилган бўламиз.

Хозирги кунда Дилшодбекдан рекламалар қилиришда ("Ботир ака, ишлаганми?" деб отаси тенги одамга танбех бериши?), концерт дастурларини олиб боришда фойдаланганга амаси, холларан 9-10 яшарли боланинг жажжи қалби ва жисми бу қадар катта жисмоний ва руҳий юки қуришига ҳали мўртлик қилишини наҳотки ўйлаб кўрмайдилар ёки бу ҳақда қайғурмайдилар?! Бола қачон ўқишга, дам олишга, ўз тенгдошлари билан ўйнашга, қизиққан нарсалари билан машғул бўлишга вақт топади?

Қобилияти эрта намоён бўладиган истеъдодларни ўрганадиган мутахассис психологларнинг фикрича, ёш истеъдод ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бўладиган муносабатларни талаб этади. Бола қанчалик қобилиятли бўлмасин, у маълум бир соҳа учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва укувларни ҳосил қилиши зарур. Акс ҳолда истеъдод ўз имкониятини маълум вақтгача намоён этиб бўлган, секин-аста сўниб кетади. Фан тарихида истеъдодларнинг...

Муминхон МАМАТОВ, УЗМУ доценти

ни жуда эрта намоён этган болаларнинг (вундеркиндларнинг) ҳаммаси ҳам қобилиятли кишилар бўлиб етишмаганлигини кўрсатадиган фактлар жуда кўп учрайди. Зеро, истеъдод, кенг билимдонлик, меҳнатсеварлик, ўз устида мутахассис устоз раҳбарлигида кўп ишлашни талаб қилади.

Достон Убайдуллаев деган яна бир истеъдодли бола бундан 10 йиллар аввал тилга тушган эди. У ҳам бир-биринлар қилиши керакки, кинофильмда бош ролни қўйилмакчи бўлиб ўйнади. Катта тадбирларда бўладиган концертлар унинг иштирокисиз ўтмади. Хотирамда қолган бир факт. Янги йил арча байрамларидаги концертларда кўшиқ айтиб юрган Достондан бир журналист: "Концертларда чарчаб қолмайсизми?" деб сўраганда, 13-14 ёшли ўсмир, бир кунда тўрт-беш жойдаги концертга катнашаётганлигини, уларга зўрага ўлгураётганлигини айтган эди. Охири бахир бўлсин-да, деб кўнглимдан ўтказганим ўшанди. Чунки ўсмирликдан ўспиринлик ёшига ўтиш чоғида ёш организмда жисмоний ва руҳий, овоз пайларидан ўзгаришлар содир бўла болайдики, бу пайтда ниҳоятда овозни сақлаш талаб этилади.

Бола қанчалик истеъдодли бўлмасин, ўз тенгдошлари даврасида бўлиши, улар билан ўйнаши, билим олиши, эртак, чўпчак тинглаши, болаларга хос шўнқилар қилиши керакки, шундангина у жисмоний ва руҳий жиҳатдан ривожланади. Зеро, ҳар бир ёш даври маълум ақлий тараққиётнинг ривожланиши учун зарур бўлган ҳолат ва бетақор шароитларни яратиб беради. Шу даврлардан бола табибий ўтиши лозим. Уни сунъий равишда тезлатиш, катталар даврасида бўлиши, унинг ақлий қобилиятини ўстириши мумкин. Лекин маънавий ва руҳий ривожланиши, ёш даврлари билан боғлиқ ижтимоийлашиб бориши ақлий тараққиётдан орқада қолиб кетади. Бу хил номутаносиблик унинг шахс сифатида ривожланиши ва намоён бўлишига салбий таъсир этади. Шунинг учун қобилиятли болалар муаммосини ўрганадиган психологлар иқтидорли болаларни ўқув материалларини яхши ва осон ўзлаштиришга эътироз билдирадилар. Дейлик, 3-синфда ўқиши керак бўлган 9-10 ёшли иқтидорли болани, 5-6-синфларда ўқийдиган 12-13 ёшли ўсмирларга қўшиб қўйсақ, табибий, ўсмирларга унга ўз тенгдошларидек муомала қилмайдилар. Натижада, у катталарнинг ёш болага қиладиган муомала ва муносабатга ўрганиб қолади. Шахс сифатида ривожланишида эса кемтиклик вужудга келади.

ТАХРИРИЯТДАН: Истеъдод борасида мулоҳаза юритиш унча-бунча кишини шошириб қўяди. Мазунинг мураккаблиги ҳаммага ҳам бу хусусида фикр айтиш имконини беравермайди. Шу боисдан им ҳурматли доғмаларнинг мутахассис сифатида истеъдодни асраб-авайлаш борасида билдирган қимматли фикрларини эътироф этган ҳолда сиз аъза мухлисларимизни баҳсага чорлаймиз.

Марҳамат, бу хусусида фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг, минбар — сизники! Хатларингизни кутиб қоламиз.

Оқин

ОҚТЎНЛИДАН ЧИҚҚАН ЖАНГЧИ ШОИР

Ахён-ахёнда газеталар уйига қадим ранжиди қилдиган бир омакни тахририятга кўрсатиб сизимий ҳақ-аҳвол сўрайдилар. Хайфил билан қизиқдилар. Кай-филт яхши бўлса, оти портфели очиб бир кучоқ шеър чиқардилар. "Эълон қилсан" деб зўра қилмайдилар. "Уқин, маъқулни олиш, қолгани — ўзимизники", дейдилар. Бир одамлари бор — тахририят ходими маъқул тоғон шеърлар рўйхатини ёш дафтарага рақам этиб қўйдилар. Кесканик-да!



Бу ёшнинг сўрасангиз, у киши икки йил фронт кўрган, 4 қарра ардоб бўлган жапачи шорлардан. Мухаррам ёш билан 5 ўнла, 3 қизини овозга етказиб шу бадаллат тўғрисида кечиратган омакни, табиий, ёшларга қўй қилмайдилар. Шеърларига ҳам қўйган бу омак. Шу сафар "Хурият"га келишларида у кишининг надиномаларидан сайлаб оларканмиз, кўра-лиса ҳазила қилдик:

— Тўрабой ота! Фронтдаш-шоҳисиз ахир, элик-элик қилиб нишонламаймизми, байрамми?

— Ёзуригиз Оқтўнни қишлоғида жаннатдай ҳовлим бор. Ҳадемай 80 йил муҳаббат турибман, худойим хоҳас...

Ким бўлсан, омакни! Сизнинг ёшларга етиб, пай-нашкатила шеър битиб тахририятга улашиб юриш лозим эди. Тўра Жуманинг 80 йиллиги кўнарида элик-элик олак олибмиз-да!

НЕГА ШОДОН БЎЛМАЙ

Нега шодон бўлмай, дўстлар, менда овоз ватан бўлса, Меваси мўл катта боғим гўё жаннат, чаман бўлса.

Кўй-қўшлар ўтлаб юрса яшил яйлов, адирларда, Кўпқардан зот олувчи боқилган зўр саман бўлса.

Ўзбекистон ўлкасини буюк давлат қилган кўчман, Ойдин йўлда ҳамма-ҳамма яқдил, бир жон-бир тан бўлса.

Мустақиллик шарофатини қанча ёсанг арзир, Тўра, Нега шодон бўлмай, дўстлар, овоз ватан бўлса.

БЕГОНА БЎЛМАСИН

Тил бегона бўлса-да, дил бегона бўлмасин, Бог-бўстони асрайлик, гул бегона бўлмасин.

Бир вақт бегона қўллар чўзилди ризқимизга, Энди дастурхонларга қўл бегона бўлмасин.

Шу ватан қучоғида бахтимизни топайлик, Тўра, эълон қилган ҳар ёққа, эл бегона бўлмасин.

Мустақилликда ёруғ йўлга тушганмиз, Тўра, Адашмайлик энди ҳеч, йўл бегона бўлмасин.

УЗОҚ ЯШАМАС

Ёлгонинг устидаги ҳаёт узоқ яшамас, Хушомад билан топган наҳот узоқ яшамас.

Кимда суянган тоғ бор, кимда орқа ва танка, Ҳаммаси ва учирган қанот узоқ яшамас.

Баъзи мансабдор танқид қилганларга қасд қилар, Обрўси тушиб бир кун, у зот узоқ яшамас.

Бировлар ёрдамида чиққан гоғасиз китоб, Ноҳақлик аралашган ижод узоқ яшамас.

Эринг эқилмай қолса, ганимларинг шодларан, Улар сендаги боғни, кўркам жойини кўролмас.

Сувсизликдан ўтлари қовжирган ариқча, Энида сув шарқираб оққан сойини кўролмас.

Тўра, хира юлдузлар кўринмай қоламан деб, Тунда ёғду таратган тўлган ойни кўролмас.

Тўра ЖУМАН

Хомура

УСТОЗНИНГ СИНОВИ

Сир эмас, айрим ҳамкасблар тетапола қаламкаши тўғри йўлга солиш ўрнига, бошга мушт ургандай қилиб, ёзган нарсанг сариқ қақага арзимайди, дея унинг хафсаласини пир қилишди. Шу тўғри йўл ҳам дурустгина қалам тевратилган қодир бўлган ёшлар ёзишдан этак силкиб, бошқа соҳаларга ўтиб кетганига бир неча марта гувоҳ бўлганман.

Гулистон шаҳрига, "Сирдарё ҳақиқати" газетасига ишга кириш умидида келганимда Тўра ака Жамолов билан учрашиб насиб бўлганидан ҳамон бошим осмонда. Тўғри, мени бевосита у киши ишга олгани йўқ. Ишга бош муҳаррир Исмоил Сулаймонов, муовини Нўрмун Насимовлар олишди. Тошкентдан олиб келган хат ва коғоз, папкадаги газеталарда босилган хабар, мақолаларим билан танишишган, тахририят раҳбарлари мени катта мусахҳиҳлик қабул қилишларини, эртага, яъни биринчи сентябрдан бошлаб йўлга чиқишим кераклигини айтишди. Тахририятга ишга олинганимдан ўзимда йўқ қувониб талабалигимда танишган қаддон акамини бир кўриб қўйиш ниятида унинг хонасига кирсам, у йўқ экан. Хонадаги бешта столдан фақат биттисининггина эгаси бор эди. Тўроқдаги столда ўтирган қошлари қалин, хушрўйгина, ўрта бўй одам саломимга иллик олдди.

— Бизга ишга келаясизми, ука? — деди у менга меҳрибонлик билан тикилиб.

— Ҳа, — дедим мени бироз мағрурлангандай.

— Нима ишга? — яна синчков назар солди.

— Катта мусахҳиҳлик.

— Нима, бошқа иш йўқ эканми? — деди у менга ачингандай.

— Хозирча бўш жой йўқ, икки ойдан кейин бирорта бўлимга адабий ходим қилиб ўтказармиз, дейишди раҳбарлар. Қолаверса, журналист дипломи билан ишга келган икки йўлғат ҳам оддий мусахҳиҳ бўлиб ишлаётган экан.

— Тахририят йўқки, унда доим битта адабий ходимлик ёки муҳбирлик вазифаси бўл турмасми, — деди у менга маъноли қараб.

— Ўзи сиз нималар ҳақида ёзасиз? — сўради у.

— Мен газета қийқимлари, радиода берилган оқор, ҳикояларим матни солинган коғоз папкани унга узатдим. У мен ёзган нарсаларини эринмай арақлаб чиққан, аста бош кўтарди:

— Кўринишдан ёмон одамнинг боласига ўхшамасиз, қани бир уриниб кўрай-чи, — дея папкамин олиб чиқиб кетди.

Йўл соатлар ўтган, қотиба бош муҳаррир йўлбағганини айтиди. Хонада Исмоил ака, унинг уринбосари Нўрмун ака, боғина мен билан гаплашган Тўрагун ака ўтирарди.

— Мана огайини, сиз ҳақингизда Тўрагунхон, Нўрмунхон акаларингиз бошқача тавсия билан киришди. Эртадан бошлаб сиз мусахҳиҳ эмас, адабиёт ва маданият бўлимида адабий ходим бўлиб ишлайсиз. Лавозим анча маъсулйатли, буларнинг ишончларини оқлайсиз, — деди мени табриқлаб Исмоил

Жўра УМАРҚУЛОВ

ака. Қувончимдан ҳаммаларига раҳмат айтдим...

Эрталаб тахририятга келсам, газета ходимлари ўз жойида ўтиришарди. Фақат кеча мен ўтирган бир галадонли кичик столгина бўш эди.

— Қани ўтиринг, бу жой энди сизники, бу жойда шoir Анвар Эшон ишлаган, фақат шoirга ўхшаб тезда кетиб қолмайсиз, — деди ҳазиллашиб Тўрагун ака. Кейин мени касбдошлар билан таништирди. Узининг ёнидаги ёш, бўйдор йигитни шoir Ҳамроқул Ризо, тўрадаги салобатли одамни бўлим мудирини Мели Махмудов, дея таништирди. Унинг ёнидаги ўрта бўй ходим эса кеча ишлаган танишим Абдурахим Йўлдошев эди.

— Ишни ўша стол галадониди тўла хатларга жавоб ёзишдан бошлайсиз, — деди у жиддий. Шу пайт шoir йигит ҳам ўз галадонидан бир папка кат олиб узатди. Иккала папкада оз эмас, кўп эмас, у юзга яқин хат бор экан. Уларни гуруҳ-гуруҳга бўлиб, тўрт кунда жавобини тугатдим.

Пайшанба кунини бўлим мудиримиз, яъни Тўрагун Жамолов менга олтига хат бериб, уларни "Қопқон" кўнгига тайёрлашим кераклигини айтиди. Бештасини ишлаб, олтинчисини сира эпақага келтиролмадим. Хатларини ва кўлэмани Тўрагун акага бердим. У мен ишлаган хатларни кўздан кечирган:

— Нега олтинчисини ишламадингиз? — деб сўради.

— Уни сира элга келтира олмадим, — дедим.

— Раҳмат, мен сизни синаш учун атайлаб қўшиб берганим, уни ҳақиқатдан ҳам элга келтириб бўлмайди, сиз дастлабки синовдан ўтдингиз, — деди қувониб.

Биринчи ишга туширган туркум хатларим "Қопқон"да босилиб чиққанида ўзимда йўқ хурсанд бўлгандим. Булар устозинг чексиз меҳрибонлиги, оқ фотиҳаси эди...

Тақдир тақозоси тўғрйли устоз билан битта бўлимда узоқ ишлаш насиб этмади. Мен бўлимда катта адабий ходим, бўлим мудирини бўлиб ишлаган, 1971 йили виллоятда нуфузли идорада йигирма йилдан кўпроқ меҳнат қилдим. Аммо қаерда ишлаган, Тўрагун ака менга устоз, туғишган акадек гамуғ бўлиб қолди. Унинг тахририятда ишлаган пайтимидаги ёрдамлари, журналист, ҳажвичи-ёзувчи бўлиб камол топишимда берган маслаҳатлари бир умр ёлдамга қолади. Бир неча йил ҳокимият идораларида хизмат қилганидан ҳам, газета бош муҳаррири ўринбосари, виллоят телерадио қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган пайтларда ҳам у киши одамийлиги, камтарлиги, одамларга бўлган меҳрибонлигини сақлаб билди.

Марҳум Тўрагун ака Жамолов хотираси наҳақат менинг, балки у киши билан бирга ишлаган одамларнинг ҳам қалбларидан сира ўчмаслигига ишонаман.

Bolalar burchagi

SEHRLI CHIROQ

(Jiddiy ertak)

Bundan xafa bo'lgan botirlar yana otalaridan maslahat so'rabshildi. Mo'yasafid o'ylanib qolibdi:

— Demak, jaholatga qarshi ta'dbirning o'ziga kifoya qilmas ekan. Endi aqli ishlatishga ulardagi olovshisiz va tutunsiz yonadigan sehrlir chiroq yasash sirlarini o'rganib, yurtlarga qaytishibdi.

Ko'ribdirlarki, yoru do'stlaridan yana bir qanchasi jaholatga yem bo'lgan ekan. Botirlar barcha trik qolgan odamlarga sehrlir so'nmas chiroq ulashib, undan qanday foydalanishni o'rgatishibdi, hammalari yana uchinchi bor g'or tomon yo'l olishibdi. Endi ajdaho ularni uncha pisand qilmay qarshi olibdi.

Odamlar g'orga kirishlari bilan so'nmas chiroqlarni yoqib yuboribdilar. Jaholat yana ko'zlariga igna qadalgandek azobda qolibdi. Zo'g berib pufabdi, og'zidan tukup sochibdi. Ammo chiroqlar o'chmabdi. Shunda u so'nggi chora — odamlar ustiga olov purkashga qaror qilibdi.

Biroq bu olovning nuri o'zi uchun ham haloklati ekanligi yodidan ko'tarilibdi. Axir uning nomi bekorga jaholat emas ekan-da. Undagi o'sha nafs, hasad, jahl yana bosh ko'taribdi va o't purkay boshlabdi. G'orning ichi kunduzdagidek yorug' bo'lib, nur og'ushida qolgan jaholat bo'g'ilib, butun

a'zoi badani muzdek erib oqibdi. Uning qoldiqlari mayda ilonlarga aylanib, kovaklarga kirib ketibdi.

Shunday qilib, odamlar ilim-ma'rifat yordamida jaholat



nomli yovuz dushmani yengib chiqqan ekanlar.

— Iblis-chi? Iblisning taqdiri nima bo'ldi? — deb so'rasangiz, u hozir ham dunyoda ilmsiz-ma'rifatsiz-chiroqsiz mamlakatni izlab yurgan emish.

Xudoyberdi KOMILOV, Urgut tumanidagi "Iqbol" ilsey-maktabining ona tili va adabiyot o'qituvchisi

Бугун тахририятимизда кўшалок байрам! Бир эмас, нақ икки "чақалок" дунёга келди! Мухбиримиз Холик ака Хурсандов Сурхонча ширали оҳангда "ингаласа", масъул котибимиз Абдурахмон Ташанов эринчоқлик билан вазмин "тамшаниб" кўяди.

Нима ҳам дердик, бугун 56 ёшини қаршилаётган ҳамкасбимиз Холик ака ҳамда 25 ёшини пешовз чиқиб кутиб олаётган дўстимиз Абдурахмонга узоқ умр, ижодий баркамоллик, оилавий бахт тилаймиз.

"Хурият"чилар

порт қилинган...

— Бу томонларда банан, ананаслар ҳам ўсади...

— Сўми конвертациялашнинг энг осон йўли қандай? — Бунинг учун сўми конвертга солиб, Америка марказларини ёпиштириш керак, қоло...

— Нима учун ҳаёт бунчалик қимматлашиб кетяпти? — Чунки умрининг ҳар бир кунини ганимат-да!...

— Сўми учун ўзимизда ишдаб чиқарилган товарлар кўринмай қолди? — Чунки сифати юқори бўлгани учун фақат экспорт қилинган...

— Мен дунёни ўзгартирмаган тараққиёт кафолатиман. Сен йилга кераксан, Аҳмоқлик? — деб сўради Ақл.

— Сен-ку тўсиқларни амал-тақаб бўлса-да, энгиб кетаясан, мен эса ҳеч қандай тўсиқ-чегарани билмайман, — жавоб берди Аҳмоқлик.

— От билан туяимди бу, сиймади акахонимиз билан биргина истакон асални савдолашиб ўтирсак. Олдин унинг мазасини татиб кўринг, ўзингизга ёқса оларсиз. Сумкамизда ярим-литирлик, бир литирлик банкаларда ҳам бор.

— Хар ҳолда, олдин нархини билсак тўзуқ-да. — Йўқ, олдин мазасини тотиб. Ана, пайлабда қошиқчангиз ҳам бор экан. Манга беринг-чи. Ҳа балли, Мана, резинкани олиб истаконди очамиз. Эҳ, сабил, қопқок тушиб кетди-ку, Қоғозингизни андак шира қилди-да, ҳай, ҳай, ҳай.

— Оббо, бировнинг хати эди-ку бу. Документ, ҳужжат!

— Хозир тозалаймиз, хозир. Тилингиз учи билан мана бундай, мана бундай авайлаб яласи қоғозингиз тоза бўлади-қўяди.

— Йўғе, яламанг ука. Хатнинг сийҳини шиваштириб юборасиз. Кейин нима ёзилганини тушуниб бўлмай қолади. Хатни беринг бўйққа, ўзим амаллаб ширасини кеткизаман. Ана, лабларингиз ҳам сийҳга бўйқди. Ха-ха-ха-ха-ха-а!

— Куласиз-да, катта, куласиз. Келинг энди биздинг асалдан сиз ҳам бир қошиқ тотиб кўринг. Қани, қани, очинг оғизди. Ҳа балли, гап шундай бўпти. Хўш, қандай экан, зўрми? Тонинг ноёб асал. Майский бўлгандан кейин зўр бўлади-да! Жуфт бўлсин катта, жуфт бўлсин. Яна биргина қошиқ тотинг. И, и, и, қаранг. Қантни тутинг, қафтингизни тутинг қошиқ тагига. Асал оқиб кел-

Даврон ФУЛОМОВ

тади. Яна Қоғозларингизга тушмасин.

— Э, ука, Ҳаммаёқ асал бўлиб кетди-ку. Бўлди, раҳмат, олдин стаканни. Ие, ўзингиз ҳам мазасини тотаясизми?

— Сиз асалқўрлик қилганингни кўриб иштаҳа қарнай бўлди-да катта. Бир-икки қошиқ ялайлик биз ҳам. Бай, бай. Асил асал-да! Хўш, мана бу истакон асал сизники. Хўш, қопқоғини яшиллаб ёпайлик, резинкани кистирайлик. Ана, бўлди. Энди бизга рухсат. Шу, энди пулни берасангиз бўлди.

— Ие, ҳали бу пулганми? Мен сийлов дебман. Қани, неча пул туради шу асалингиз?

— Бор-йўғи бир минг.

— Шу кичкина стакандаги-я? Унинг ҳам ярмини ўзингиз уриб қўйдингиз. Бозорда бир мингга бир банка асал беради-ку!

— Ҳай, ҳай, каттажон. Давлатингиздан икки қошиқ асал ёсақ-ёбмиз-да. Шунинг ҳам миннатми? Яна десангиз, асалнинг ўзи ўз оғғи билан келгандай, усталингизда турибди. Бозор дейсиз. Бозорди асал асал эмас. Ярми искуственый. Пул бермасангиз ҳам майли. Нима ҳам қилардик. Бир катта бир истакон асалимизди уриб қўйиб пулни бермади, деб юраваримиз-да.

— Э-э, қизик экансиз-ку. Манг, мана ўша минг сўмингиз. Ҳайр, омон бўлинг. Кўп ишдан қолдирдингиз одамни.

— Ана бу бошқа гап. Яшанг. Асал керак бўлса бозорга бориб юрманг овора бўлиб. Ўзимиз кел тураимиз. Ҳа, айтгандай, бонкадагисидан олмай-сизми? Нархи жуда арзон. Бачаларга олиб борсангиз жуда қушвақт бўлишди-да.

— Йўқ, Бозор